

20«10»2022 yil.

273-3-43-OB/2022-son

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Арнасой туман Ободонлаштириш бошкармаси (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи марказ раҳбари **Бобоев Фуркат Мусалламович** ва «ABBOS-ABDURASUL» МЧНJ (кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи жамият раҳбари **Назаркосимов Фаррух Алланазарович** мазкур шартномани қўйидагилар хақида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда "Ишлар" деб аталадиган қўйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

№	Лот раками	Номланиши	Ўлчов бирлиги	сони	Нархи	Суммаси
1	22110012159500.	Арнасой туман Бобур МФЙ Порлок кучаси, Голиблар МФЙ А.Яссавий кўчаси, О.Водий МФЙ Фаровон кучаси, О.Водий МФЙ Олтинсой кучаси ва Янги бўстон МФЙ Янги турмуш кучаси F.Гулом МФЙ Янги дала кўчаларини лойиха смета хужжатлари ва экспертиза хуносасига асосан жорий тъмирлаш иш хизматлари	Обект	• 1	219 777 000	219 777 000
		ЖАМИ				219 777 000

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 30 кун ичida амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30%и миқдорида бунак туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ хажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охирги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома Фазначилик органларида рўйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

3. Тарафларниң ҳукуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул килиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб килинадиган маҳсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларниң бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларниң натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартларидан ишларниң сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичida текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қўриклиш бўйича зарурий чора-тадбирларниң бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи қўйидаги ҳукукларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳак тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларниң натижасини ушлаб туриш ҳукукига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичida ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларниң натижасини кўриб чиқиш ва қабул килиш, ишларниң натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларниң натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган хисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳак тўлаш.

3.4. Буюртмачи қўйидаги ҳукукларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларниң бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

4. Шартноманинг баҳоси ва хисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **219 777 000** (Икки юз ўн тўққиз миллион етти юз етмиш етти минг) сўм, шу жумладан **28 666 565,22** сўм **15 %** миқдорида КҚСни ташкил қиласди.

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. **Бажарилган ишлар ҳакини ўз вактида тўдамагандик унун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.**

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёrlарига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

6. Форс-мажор холатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгib бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимиirlаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий оғатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб хисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан

сўнг келишмовчиликлар ижобий ҳал бўлмаса, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ иқтисодий судда кўриб чиқишга топширадилар.

8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзоланиб, Фазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сунг ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларига асос, етказилган заарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор килишга ҳакли:

- Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

- Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайгандা.

8.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор килишга ҳакли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

- Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаштириш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори буйича шартнома бекор килинганда, буюртмачига тутатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми кийматини тулайди.

8.6. Шартномани бекор килишга қарор килган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

9. Коррупсияга қарши талаблар

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидағи Коррупсияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди.

9.2. Буюртмачи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Етказиб берувчининг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Етказиб берувчининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупсияга қарши тегишли шартлари ва талаблариға қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

10. Яқуний қоидалар

10.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар факат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, Фазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сунг ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг хар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

10.3. Шартномага гувохнома илова килинади

11. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Пудратчи»

«ABBOS-ABDURASUL» MCHJ

(Етказиб берувчининг (пудратчининг) номи)

Манзил: Жиззах вилоят Зарбор тумани Бустон Дустлик
МФЙ Микрорайон 2.2

Тел./факс

(х/в ёки ш/х) 20208000005316631001

Банк номи: «Ипотека банк» АТИБ Жиззах вилоят
филиали

ИНН: 307999104

МФО: 00122

ИФУТ:



Рахбар:

имзо

Ф.А.Назаркосимов
(Ф.И.Ш)

«Буортмачи»

Арнасой туман Ободонлаштириш
бошқармаси

(Буортмачининг номи)

Манзил: Бобур МФЙ Порлок кучаси

Тел./факс 372-11-32

ш/х 100022860082017045203110001

Ташкилотнинг СТИРИ 200331524

ИФУТ:

Фазнилил бўлинмаси номи

Жиззах шаҳри бўйича Фазнилил бўлинмаси
ЯФХ 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент
шахар бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса
маркази (ХККМ)

МФО: 00014

Фазнилил бўлинмаси СТИРИ: 201122919

Буортмачи

Рахбар: Ф.М.Бобоев

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.
Imzolovchi F.I.SH.	FURQAT BOBOYEV MUSALLAMOVICH
Imzolangan sana	20.10.2022 12:39
Hujjat kodi	XT5580423155
Hulosa kodi	HT1576672220



Арнасой туман ободонлаштириш бошкармасининг, Арнасой туман Бобур МФЙ Порлок кучаси, Голиблар МФЙ А.Яссавий кўчаси, О.Водий МФЙ Фаровон кучаси, О.Водий МФЙ Олтинсой кучаси ва Янги бўстон МФЙ Янги турмуш кучаси, F.Гулом МФЙ Янги дала кўчаларини жорий тъмирлаш иш-хизматлари учун тузилган

2022 йил “20”

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 6
Октябрь,

Арнасой туман

И.Мамарахимов

Катнашдилар:

- Арнасой ободонлаштириш бошкармаси кадрлар бўлими бошлиғи, баҳолаш танлов комиссияси котиби

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Н.Файзиев
Ш.Синдаров
Б.Мавлонов
Д.Жайнаров

- Арнасой туман ободонлаштириш бошкармаси техник ходим, комиссия аъзоси
- Арнасой туман ободонлаштириш бошкармаси бош мухадис, комиссия аъзоси
- Арнасой туман ободонлаштириш бошкармаси бош хисобчи, комиссия аъзоси
- Арнасой туман ободонлаштириш бошкармаси техник ходим, комиссия аъзоси

Кун тартиби:

Арнасой туман Бобур МФЙ Порлок кучаси, Голиблар МФЙ А.Яссавий кўчаси, О.Водий МФЙ Фаровон кучаси, О.Водий МФЙ Олтинсой кучаси ва Янги бўстон МФЙ Янги турмуш кучаси, F.Гулом МФЙ Янги дала кўчаларини жорий тъмирлаш иш хизматларини бажариш бўйича берилган 05 октябр 2022-йилдаги 222.572.922 (икки юз йигирма икки миллион) сўмлик, №159500-сонли лотга асосан асосан энг яхши таклифларни танлаш бўйича ўтказилган танловда, танлов комиссияси аъзолари томонидан ушбу лот бўйича таклифларни берган иш хизматларни бажарувчилар орисидан энг яхши таклиф берган иш хизматларни бажарувчи танлаб олинган холда ғолиб аниқланди хамда 2 иш куни мобайнида танлов натижаларига асосан аниқланган ғолибга нисбатан рақобатчилар томонидан хеч қандай этирозлар бўлмаганлиги сабабли “ABBOS-ABDURASUL” M.Ch.J. билан 219.777.000 (икки юз ўн тўккиз миллион етти юз етмиш етти минг) сўмга Арнасой туман Бобур МФЙ Порлок кучаси, Голиблар МФЙ А.Яссавий кўчаси, О.Водий МФЙ Фаровон кучаси, О.Водий МФЙ Олтинсой кучаси ва Янги бўстон МФЙ Янги турмуш кучаси F.Гулом МФЙ Янги дала кўчаларини жорий тъмирлаш иш хизматларини бажариш бўйича шартнома тузиш кўриб чикилди.

Қарор килади:

“ABBOS-ABDURASUL” M.Ch.J. томонидан Арнасой туман Бобур МФЙ Порлок кучаси, Голиблар МФЙ А.Яссавий кўчаси, О.Водий МФЙ Фаровон кучаси, О.Водий МФЙ Олтинсой кучаси ва Янги бўстон МФЙ Янги турмуш кучаси F.Гулом МФЙ Янги дала кўчаларини жорий тъмирлаш иш хизматларини бажариш бўйича рақобатчиларга нисбатан энг яхши таклифларни берганлиги хамда 2 иш куни мобайнида ғолибга

нисбатан хэч қандай эътиrozлар бўлмаганлиги сабабли “ABBOS-ABDURASUL” M.Ch.J. билан Арнасой туман Бобур МФЙ Порлок кучаси, Голиблар МФЙ А.Яссавий кўчаси, О.Водий МФЙ Фаровон кучаси, О.Водий МФЙ Олтинсой кучаси ва Янги бўстон МФЙ Янги турмуш кучаси F.Гулом МФЙ Янги дала кўчаларини жорий тъмиrlашиш хизматларини бажариш бўйича шартномаси тузилсин.

И.Мамарахимов
Ш.Синдаров
Б.Мавланов
Н.Файзиев
Д.Жайнаров

